

## **Андижон ва Хоразмда автотранспорт соҳаси изчил ривожланмоқда**

Бугунги кунда Андижон вилоятида жами 234 та автотранспорт корхоналари йўловчи ва юк ташиш фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Улар томонидан 7493 та, шундан 269 та автобус, 150 та микроавтобус, 6386 та енгил ва 688 та юк автомобиллари лицензияланган ҳолда вилоят аҳолисига сифатли автотранспорт хизмати кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартдаги 303-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ЙҲХБ, “Ўзавтодарётранс” агентлиги Андижон ҳудудий бўлими ва вилоят ДСБ ходимлари билан ҳамкорликда лицензия талаб ва шартларини бузаётган автотранспорт воситаларини тартибга солиш бўйича рейд тадбирлари ўтказилмоқда. 2016 йилнинг 12 ойи мобайнида 312 марта қўшма рейд тадбирлари ўтказилиб, 2288 та қоидабузарлик аниқланган. Шундан 1418 нафар ҳайдовчиларга нисбатан лицензиясиз фаолият юритаётгани учун солиқ органлари томонидан баённомалар тузилган.

Вилоятда фойдаланишда бўлган йўловчи ташиш йўналишлари сони 200 та бўлиб, шундан 54 таси шаҳар, 139 таси шаҳар атрофи ва 7 таси шаҳарлараро йўналишлардир. Ушбу йўналишлардан 114 таси қишлоқ жойларни туман марказлари билан боғловчи ва 39 таси туман марказларини вилоят маркази билан боғловчи йўналишлардир.

Андижон вилоятида 2016 йил мобайнида 10 та янги йўналишлар ташкил этиш режалаштирилган эди. Йил мобайнида жами 10 та янги, шундан 5 таси автобус ва 5 таси йўналишли такси йўналишлари очилиб, 127 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги “Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сонли қарори ижроси бўйича 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига 792 та йўналишсиз таксилар қарор талаблари бўйича жихозланиб сариқ рангга бўялди ҳамда фаолият тури бўйича лицензиялар билан таъминланди.

— 2017 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 11 та автовокзал ва автостанциялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 декабрдаги 320-сонли қарори талаблари бўйича жихозланиб, янги намунадаги “Паспорт”лар билан таъминланди дейди, - Агентликнинг Андижон вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи М.Ҳайдаров.

Вилоятда автотранспорт соҳасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар Дастурига асосан 2017 йилда ташувчилар ва банк кредитлари ҳисобига 22 дона янги автобуслар келтирилиб, 4 та янги автобус йўналишларини тиклаш режалаштирилган. Бунинг натижасида 32 та янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, Дастурга асосан 2017 йилда “Оқ йўл сервис” МЧЖ томонидан Хонобод шаҳридаги автобошбекатда 50 млн. сўмлик қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилиб, автобошбекатга “Паспорт” олиш режалаштирилган.

Шунингдек, Хоразм вилоят ИИБ ЙҲХБ, Давлат солиқ бошқармаси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Хоразм вилоят ҳудудий бўлими ҳамда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ходимларидан иборат йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи барча турдаги автотранспорт воситаларини назорат этувчи гуруҳлар томонидан шаҳар ва туманларда рейд текширувлари ўтказилди.

2016 йил давомида 1411 та лицензиясиз автотранспорт воситаларида йўловчи ва юк ташиш билан шуғулланаётган ҳайдовчилар аниқланиб, Давлат солиқ идоралари ходимлари билан ҳамкорликда маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб, ҳужжатлар суд органларига ўтказилди. Суд органлари томонидан 1406 тасига жами 1 млрд. 34 млн. 880 минг сўм миқдорида жарималар ундирилди.

Вилоятдаги йўловчи ташиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар, тадбиркорлар ўртасида автотранспорт соҳасида фаолият кўрсатиш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда.

Автотранспорт корхоналари паркини кенгайтириш, аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш маданияти ва сифатини яхшилаш мақсадида 2016 йил давомида 28 та янги “Исузу” автобуслар, 3 янги “Газель” русумли микроавтобуслар сотиб олинди. Сотиб олинган автобусларнинг 14 таси шаҳар йўналишларига қолган 14 таси шаҳар атрофи йўналишларига жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги “Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш тўғрисида”ги 139-сонли қарори ижроси бўйича вилоятнинг барча туманлари ва Урганч шаҳрида йўловчилар гавжум бўладиган жойларда “Йўналишсиз таксилар тўхтаб туриш жойлари”дан 18 таси ташкил қилинган.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига лицензияланган йўналишсиз таксилар сони 1394 тани ташкил қилади. Енгил таксиларнинг барчасига стандарт плафон ва таксометр ўрнатилган.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати